

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI-HUZURIDAGI

FISKAL INSTITUTI



06.09.2021 yil

SOLIQ NAZARIYASI VA TARIXI

FANINING ISHCHI O'QUV DASTURI (SILLABUS)

Bilim sohasi:	400 000 – Biznes, boshqaruv va huquq 300 000 – Ijtimoiy fanlar, jurnalistika va axborot
Ta'lim sohasi:	410 000 – Biznes va boshqaruv 310 000 – Ijtimoiy va hulq-atvorga mansub fanlar
Ta'lim yo'nalishi:	60410100 – Buxgalteriya hisobi va audit (tarmoqlar bo'yicha) 60410200 – Soliqlar va soliqqa tortish (faoliyat turlari bo'yicha) 60310500 – Raqamli iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha)

Toshkent 2021

## ФАННИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ (СИЛЛАБУС)

Академик даража	Бакалавр	Таълим йўналиши	Иқтисодиёт
Фан коди	HISTAX6	Модуль	Мажбурий
Фан номи	Солиқ назарияси ва тарихи	Модулнинг давомийлиги	15 ҳафта
Кредит ҳажми (1 кредит = 30 соат)	ECTS: 6	Тайёрлади	Исламбек Ниязметов, и.ф.д. <a href="mailto:i.niyaz.m@gmail.com">i.niyaz.m@gmail.com</a>
Ажратилган соат ҳажми	180 90 (ауд) 90 (муст)	Сана	2021 йил 16 август

### Фан бўйича талабанинг билими, кўникмаси ва малакасига қўйилган талаблар

#### **Мазкур фанни ўрганиш давомида талаба:**

- кишилик жамиятида солиқ муносабатларининг вужудга келиши, солиқقا оид илмий қарашлар ва назарияларнинг шаклланиши, солиқларнинг моҳияти, объектив зарурлиги, солиқ категориясининг функциялари, солиқقا оид принциплар ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;(билим)**
- солиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, солиқقا тортиш бўйича умумий назариялар, солиқ категорияси, солиқقا оид принципларни **билиши ва улардан фойдалана олиши; (кўникма)**
- талаба солиқларнинг илк пайдо бўлиши ва ривожланиши, солиқقا оид принциплар, солиқларнинг объектив зарурлиги ва бу йўналишдаги муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.(малака).**

**Фанга ажратилган соатлар.** Фанга ажратилган умумий соатлар ҳажми 180 соат бўлиб, аудитория соати учун 90 соат, мустақил таълим учун 90 соатни ташкил этади. Аудиторияда жами 30 соат маъруза ва 60 соат семинар машғулотлари ўтилади, бундан ташқари оралиқ ва якуний назоратлар учун 2 соатдан ваqt ажратилади.

#### **Фанни ўзлаштириш ва мустақил ўқиб-ўрганиш учун асосий адабиётлар рўйхати:**

1. Charles Adams. For Good and Evil The Impact of Taxes on the Course of Civilization. – New York: Madison Books, 2001. – 568 p.
2. Frecknall-Hughes, Jane. The Theory, Principles and Management of Taxation. – United Kingdom: Taylor & Francis Group, 2015. – 163 p.
3. Tiley John. Studies in the History of Tax Law. – USA: Hart Publishing, 2004. – 432 p.
4. Исаев А.А. Очерк теории и политики налогов. – М.: «ЮрИнфоР-Пресс», 2004. – 270 с.
5. Пушкирева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: учеб. пособие. – М.: «ИНФРА-М», 1996. – 192 с.
6. Соколов А.А. Теория налогов. – М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2003. – 506 с.
7. Теория и история налогообложения: учебник для академического бакалавриата / Д.Г.Черник, Ю.Д.Шмелев – М.: Изд. Юрайт, 2014. – 364 с.
8. Чарльз Адамс. Влияние налогов на становление цивилизации. - Москва; Челябинск: Социум, Мысль, 2018. – 639 с.

**Қўшимча адабиётлар:**

9. Brian C. Spilker. Taxation of Individuals And Business Entities. – USA: Published by McGraw-Hill Education, 2019. – 1276 p.
10. Scheve Kenneth, Stasavage David. Taxing the Rich. – New Jersey: Russell Sage Foundation, 2016. – 283 p.
11. История и теория налогообложения: учеб. пособие / Н.Г. Леонова – Хабаровск: Изд-во Тихоокеан. гос. университета, 2016. – 83 с.
12. Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2009. – 180 б.
13. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Тошкент, Молия, 2003. – 150 б.
14. Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услугбият ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2016. – 193 б.
15. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкиз, 1962. – С. 589
13. Jo'rayev A., Safarov G', Meyliyev O. Soliq nazariyasi. O'quv qo'llanma. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 370 b.

**Маъруза машғулотлари мавзулари ва уларнинг таркиби**

№	Мавзулар	Соатлар ҳажми
1.	<p><b>“Солиқ назарияси ва тарихи” фанининг предмети, мазмуни ва уни ўрганиш усувлари</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Солиқ назарияси ва тарихи” фани солиқка оид бошқа фанларнинг назарий-услубий пойдевори ва давлат солиқ сиёсатининг илмий асоси сифатида.</li> <li>2. Фаннинг предмети ва мазмуни. Фанни ўрганишдаги умумий ва алоҳида усувлар.</li> <li>3. Фаннинг кадрларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ўтказишдаги ўрни ва аҳамияти.</li> </ol>	2
2.	<p><b>Солиқларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Солиқлар ва солиққа тортиш муносабатларининг вужудга келиши.</li> <li>2. Солиқлар ва солиқ муносабатларининг илк кўринишлари. Солиқларнинг тарихи ва ривожланиш босқичлари.</li> <li>3. Илк цивилизация даврларида солиқ муносабатлари. Ўрта асрларда солиқ муносабатларининг ривожланиши.</li> <li>4. Замонавий шаклдаги солиқларнинг ривожланиши тарихи.</li> </ol>	2
3.	<p><b>Қадимги дунё давлатларида солиқ муносабатларининг шаклланиши</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қадимги Юнон давлатида солиқ муносабатларининг шаклланиши.</li> </ol>	2

	<p>2. Рим империясида солиқ муносабатларининг ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>3. Хитой худудидаги қадимги давлатларда амал қилган солиқлар.</p> <p>4. Қадимги Турон заминида шаклланган давлатларда солиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.</p>	
4.	<p><b>Араблар ва Марказий Осиёning бошқа ўрта аср давлатлари ҳукмронлиги даврида амал қилган солиқлар</b></p> <p>1. Арабларнинг турон худудларини эгаллаши билан Марказий Осиё мамлакатларида солиқ муносабатларининг ўзгариши.</p> <p>2. Араблар томонидан ундирилган исломий солиқлар мазмуни.</p> <p>3. Сомонийлар давлатида солиқ муносабатлари тизими. Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида солиқ сиёсати.</p> <p>4. Фазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлатида шаклланган солиқлар тизими.</p>	2
5.	<p><b>Мўғул истилочилари давридаги солиқлар</b></p> <p>1. Мўғуллар империясининг шаклланиши ва давлатнинг иқтисодий тизими.</p> <p>2. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё худудида шаклланган солиқ тизими.</p> <p>3. Елюй Чуцайнинг мўғул солиқ сиёсатини ташкил этишдаги ўрни.</p> <p>4. Махмуд Ялавошнинг Моварауннаҳрда амалга оширган солиқ испоҳотлари.</p>	2
6.	<p><b>Амир Темур ва темурийлар давлатчилигига солиқ муносабатлари</b></p> <p>1. Амир Темурнинг марказлашган давлатга асос солиши ва солиқ испоҳотлари.</p> <p>2. Амир Темурнинг солиққа оид қарашлари ва солиқ сиёсатини белгилашда «Темур тузуклари»нинг ўрни.</p> <p>3. Темурийлар давлатчилигига солиқлар тизими.</p> <p>4. Темурийлар даврида дин пешволарига кўзда тутилган имтиёзлар.</p>	2
7.	<p><b>Ўзбек хонликлари давридаги солиқ муносабатлари</b></p> <p>1. Марказий Осиёда шайбонийлар ҳукмронлиги давридаги солиқлар тизимининг ўзгариши.</p> <p>2. Хоразм хонлигига амал қилган солиқлар ва йиғимлар.</p> <p>3. Бухоро амирлигининг солиқлари тизими.</p> <p>4. Қўқон хонлигига солиқ муносабатлари.</p>	2
8.	<p><b>Рус чоризми ва совет ҳукмронлиги даврида Марказий Осиёдаги солиқлар</b></p> <p>1. Россия Империяси ҳукмронлиги даврида Туркистон, Хоразм ва Бухорода солиқ тизимининг ўзгариши.</p>	2

	<p>2. Совет давлатчилигининг илк даврларидаги солиқ ислоҳотлари.</p> <p>3. Иккинчи жаҳон уруши даврида совет давлатида солиқларнинг ошиши.</p> <p>4. Тикланиш даври солиқ ўзгаришлари. Совет давлати солиқ тизимининг зиддиятлари ва барбод бўлиши.</p>	
9.	<p><b>Солиқقا оид илмий қарашларнинг шаклланиши ва солиқлар хусусидаги илк умумий назариялар</b></p> <p>1. Солиқлар табиатига оид илмий қарашларнинг шаклланиши.</p> <p>2. Иқтисодий таълимотларда солиқларга оид ғоялар ва назариялар тавсифи.</p> <p>3. Солиқларга доир илк умумий назарий концепциялар. Солиқнинг алмашинув назарияси. Атомистик солиқ назарияси.</p> <p>4. Солиқнинг роҳатланиш ва “суғурта мукофоти” назарияси.</p>	2
10.	<p><b>Солиқقا тортишнинг такомиллашган умумий назариялари</b></p> <p>1. Солиқقا тортишнинг классик назарияси: У.Петти, А.Смит ва Д.Рикардоларнинг солиқ илмига қўшган ҳиссаси.</p> <p>2. Кейнс таълимоти ва солиқقا тортишнинг кейнсчиллик назарияси.</p> <p>3. Неоклассик назарияда солиқقا оид билимлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.</p> <p>4. Неокейнсчиллик таълимотида солиқقا доир назарий қарашлар.</p>	2
11.	<p><b>Солиқقا оид дастлабки хусусий назариялар</b></p> <p>1. Бевосита ва билвосита солиқлар нисбати назарияси.</p> <p>2. Ягона солиқ назариясининг хусусиятлари.</p> <p>3. Прогрессив ва пропорционал солиқقا тортиш назарияси.</p> <p>4. Солиқларни (юқини) ўтказиш назарияси.</p>	2
12.	<p><b>Солиқقا тортишнинг замонавий назариялари</b></p> <p>1. Оптимал солиқка тортиш назарияси.</p> <p>2. Рамсей назарияси ва Корлэтта-Хейг қоидаси: зиддиятлари ва иқтисодий моҳияти.</p> <p>3. Солиқка тортиш чегараси назарияси (Лафффер эгри чизиги).</p> <p>4. Лоренц эгри чизиги ва уни даромадларни солиқка тортишдаги аҳамияти.</p>	2
13.	<p><b>Солиқларнинг моҳияти ва солиқقا тортишнинг объектив зарурлиги</b></p> <p>1. Солиқларнинг ижтимоий ва иқтисодий моҳияти.</p> <p>2. Солиқ категориясига берилган замонавий таърифлар.</p> <p>3. Солиқقا тортишнинг объектив зарурлиги. Солиқ ундириш ва солиқка тортиш тушунчаларининг фарқли жиҳатлари.</p> <p>4. Солиқقا тортишнинг зарурлигини белгиловчи омиллар.</p>	2
14.	<p><b>Солиқ категориясининг функциялари</b></p>	

	<p>1. Солиқлар функциялари борасидаги турли назарий ёндашувлар.</p> <p>2. Солиққа тортишнинг иқтисодий функцияси моҳияти ва унинг тартибга солиш функцияси сифатидаги талқини.</p> <p>3. Солиқ категориясининг ижтимоий функцияси мазмун-моҳияти.</p> <p>4. Солиққа тортишнинг бошқа эътироф этилган функциялари.</p>	2
15.	<p><b>Солиққа оид принциплар</b></p> <p>1. Солиққа тортиш принципи тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.</p> <p>2. Солиққа оид илк тизимлашган илмий-назарий принципларнинг шаклланиши.</p> <p>3. Солиққа тортиш принциплари ривожланишида Ғарбий Европалик олимларнинг роли.</p> <p>4. Солиққа тортишнинг замонавий принциплари ва уларнинг гурухланиши.</p>	2
<b>Жами</b>		<b>30</b>

### Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари

Баҳо ва балл чегаралари	Баҳолаш мезонлари
<b>“аъло” 90-100 балл</b>	Фанга оид назарий билимларни тўлиқ ўзлаштириш. Ҳулоса чиқара олиш ёки қарор қабул қила олиш. Ижодий фикрлай олиш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллай билиш. Моҳиятини тушунтириш. Тасаввурга эга бўлиш.
<b>“яхши” 70-89,9 балл</b>	Фанга оид назарий билимларни яхши ўзлаштириш. Мустақил мушоҳада юрита олиш. Олган билимларини амалда қўллай билиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тасаввурга эга бўлиш.
<b>“қониқарли” 60-69,9 балл</b>	Фанга оид назарий билимларни ўртача ўзлаштириш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Маълум бир тасаввурга эга бўлиш.
<b>“қониқарсиз” 0-59,9 балл</b>	Фан бўйича назарий билимларни ўзлаштира олмаслик. Моҳиятини тушунтира олмаслик. Тасаввурга эга бўлмаслик.

### Рейтинг баҳолаш турлари ва баллар тақсимоти

№	Рейтинг назорати турлари ва ўтказиш шакллари	Максимал балл	Ўтказилиш вақти
I	<b>Жорий назорат:</b>	30,0	Семестр давомида
1	Семинар ёки амалий машғулотлар вақтида оғзаки сўров, сұхбат, коллоквиумларда фаол қатнашиш, назорат иши ва уйга вазифаларни бажариш.	15,0	
2	Мустақил таълим доирасида реферат, берилган мавзу бўйича турли манбалардан маълумотлар йиғиш ва индивидуал тақдимотлар тайёрлаш, индивидуал ёки гурухларда топшириқлар бажариш.	15,0	
II	<b>Оралиқ назорат:</b>	30,0	

1	Үқитувчи томонидан қўйилган савол (муаммо) юзасидан мустақил равишда ва эркин шаклда эссе ёзиш (1-3 бет ҳажмда қўлда ёзилади).	15,0	6-7-ҳафта-ларда
2	Үқитувчи томонидан қўйилган савол (муаммо) юзасидан мустақил равишда ва эркин шаклда эссе ёзиш (1-3 бет ҳажмда қўлда ёзилади).	15,0	12-14-ҳафта-ларда
<b>III</b>	<b>Якуний назорат:</b>  Якуний назорат маъруза ва семинар дарсларида, шунингдек, мустақил таълим орқали олинган билимлар асосида тест синовидан ўтиш.	<b>40,0</b>  40,0	<b>Якуний назорат ҳафтасида</b>
	<b>Умумий балл</b>	<b>100</b>	